**Жўраев Турғун Эркинович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби фельдшери

**Жураев Элбек Кахрамонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исматов Эштемир Музафарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исроилов Рахмиддин Фозилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кабилходжаев Шавкат Исматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Камалов Иброхим Тожидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби йўриқчиси

**Кахаров Рашид Джамалович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

**Кенжаев Самандар Зарифович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти катта ўқитувчиси

**Косбаулиев Акмал Хакимниязович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қултоев Бахриддин Ҳайдарович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Машарипов Мураджан Рихсимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Миноваров Муслим Мухамадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирвакулов Джамшиддин Мурадилаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Норбутаев Шерали Облакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нормўминов Искандар Саидмуратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орзиев Севдиёр Исломович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Саидов Ориф Йулдошевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сапаров Фарход Гайратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Толипов Равшанбек Олимжонович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тошпулатов Сатторали Равшанжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Турахонов Даврон Жумаевич** — Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Тургунов Кобил Рихсибаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Умаров Рустам Райимкулович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Хомидов Нишон Душанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Шавманов Салимжон Хайитбаевич** — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими тезкор вакили

**Эрназаров Гулямшакир Абдулхамидович** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Эшкуватов Сунатулла Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдошов Шухрат Пулаталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди қутқарувчиси

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдирахмонов Элдор Саминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Азамов Назир Амриевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Анненков Сергей Шамильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аъзамов Жамолхон Хожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Бердибаев Икрамжон Кадирбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсуслаштирилган жазони ижро этиш колонияси бўлим бошлиғи

**Жумакулов Валижон Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Иноғомов Шовкат Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исаев Азиз Саидмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Караев Наврузжон Хушбакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмат бошлиғи

**Қиличев Ғайрат Ғафурович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон милиционери

**Косимов Хайриддин Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи

**Машарипов Кохрамон Бекчанович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

**Муминов Азим Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Муродов Уктам Субхонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мусурманкулов Баходир** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

**Назаров Ҳайдар Қамбарович** — Бухоро вилояти Вобкент тумани давлат солиқ инспекцияси шуъба бошлиғи

**Норматов Расул Турдибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Рахимов Фарход Ражаббаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахимова Гюльноза Абдусаттаровна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи

**Садиров Хуршид Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказ бошлиғининг ўринбосари

(Давоми 5-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1 ва 4-бетларда).

**Сайдаматов Иномжон Икромович** — Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Саттаров Ильхам Сайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Сиддиков Толибжон Алимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Собиров Қадамбой Ҳайитбоевич** — Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Сулаймонов Зафаржон Умарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Туляганова Зўхра Эгамбердиевна** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани прокуратураси катта нозири

**Турганбаев Аскар Тенгелович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Фарходбек Хасанович** — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Умурзаков Шавкат Буранович** — Тошкент вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Усмонов Феруз Шукуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бўлим бошлиғи

**Хайдаров Хикматилла Рахматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Холмирзаев Фарходжон Нурмухамадиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Хуснитдинов Зиёвуддин Сайфутдинович** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Арқ-булоқ» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Шайзаков Равшан Нуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Шипилов Олег Борисович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Шунқаров Шукрулла Хайдарович** — Жиззах вилояти Фориш тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Элмурадов Дилмурод Боймуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

**Эшметов Турсунбай Балтабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бошқарма бош муҳандиси

**Юсупов Аширбек Дусчанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдукахоров Алижон Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Абдуллаев Акмал Хашимович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Қўриқлаш» бошқармаси бўлинма командири

**Абдуллаев Ғайрат Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Наманган вилояти бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими суриштирувчиси

**Алимкулова Мутабархон Рахимовна** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар адвокатлар ҳайъати адвокати

**Ахмедов Алишер Джуманазарович** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Бабаджанов Нариман** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси молия-иқтисод бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Бахриддинов Зайниддин Бахриддинович** — Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

**Бобохонов Алишер Аскарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Бўрибоев Сохибжон Холимович** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ворисова Раъно Собировна** — Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра мудираси

**Восиев Шерали Намозович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Гайбуллаева Джамила Шамсиевна** — Қашқадарё вилояти Косон тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

**Давронов Хусан Пирназарович** — Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Добилов Элмурот Менгтураевич** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Иванов Иван Геннадьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети катта техниги

**Инсабаев Рахматилла Рахманалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишанкулова Салима Умаровна** — Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди раиси

**Кодиров Набижон Абдужалилович** — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Комилова Муяссар Мавжудовна** — Тошкент ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Машарипов Ибрат Янгибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири

**Мирасилов Алишер Сахаббайевич** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани прокурори ўринбосари

**Мухин Алексей Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Назаров Бахридин Холмирзаевич** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд бирлашган техник мактабининг ўқитувчиси

**Ниязов Гайрат Жасурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Отажонов Бахтиёр Дадажонович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар прокурори

**Равшанов Раҳмад Аҳмадович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Рахманов Турабек Турсунбекович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Розумбетов Камилжан Сапаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти Хонқа тумани бўлими бошлиғи

**Рузиқулов Аблқосим Абсоматович** — Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар суди раиси

**Сабурова Алтингуль Алламбергеновна** — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси катта нозири

**Саипов Шухрат Ядгарович** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани адвокатлар ҳайъатининг адвокати

**Тарабан Ольга Вячеславовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлим бошлиғининг катта ёрдамчиси

**Ташпулатов Илхом Кадирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Дилшодбек Жумабекович** — Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Умаров Аскарали Камбаралиевич** — Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси

**Ўсаров Шерзод Ўралбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Усмонов Акмалжон Ўринбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Фозилова Гулчехра Алишеровна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Хайдаров Ойбек Жамигирович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳи қутқарувчиси

**Чулиев Учкун Шавкатович** — Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси шуъба бошлиғи

**Юлдашева Умида Садуллаевна** — Олий ҳарбий божхона институтининг иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи

**Юнусов Улугбек Тургунович** — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 август

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳисобот йилида банклар томонидан мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда юқори технологияга асосланган янги корхоналарни жадал ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми олдинги йилдагига қараганда 30,5 фоизга ошди. Шу билан бирга, инвестиция мақсадларига берилган кредитлар улуши 1,3 баравар кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфели умумий ҳажмининг 85,8 фоизини ташкил этди, муддати уч йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли қўйилмалар эса 30,9 фоизга ўсиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил қилди.

Муҳокама жараёнида тижорат банклари балансига ўтказилган 120 та иқтисодий ночор корхонани соғломлаштириш бўйича амалга оширилган самарали иш ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ва бу корхоналарни стратегик инвесторларга реализация қилишга имкон берганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу 25 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш имконини берди. Мазкур корхоналар томонидан жами 494,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўп кредитлар ажратилди, шу жумладан, ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,5 баравар кўпайди.

Миллий иқтисодиётга чет эл инвестицияларини ва кредитларини жалб этиш мақсадида 2012 йилда банклар томонидан халқаро молия институтларининг 181,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилган бўлиб, бу 2011 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мамлакат банк-молия тизими барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлашдаги, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятининг муҳимлигига эътиборни қаратдилар ҳамда унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича айрим таклифларни баён қилдилар.

Сенаторлар мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишда банк-молия тизими субъектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиши, банк назорати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил рўёбга чиқаришни давом эттириш, банкларнинг ресурс базасини ошириш, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш лойиҳаларини кредитлаш, банк хизматларини диверсификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 9 та масала, шу жумладан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоидаларини изчил рўёбга чиқаришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мумкин қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та қонун кўриб чиқилди.

Сенат томонидан Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилганлиги экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инсоннинг соғлом табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши демократик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни оширишнинг қудратли омилига айланади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
2. Кучкар **Тогаев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 август

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Козимджан Фазилович **Камилов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 август

---

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкентда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг XII ялпи мажлисида мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар, шу жумладан, экологик вазиятни яхшилаш, фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, банк-молия тизимини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, қолаверса, ишлаб чиқаришга халқаро стандартларни жорий қилиш ҳамда истеъмолчилар манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилди, Сенатнинг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Мухбиримиз ушбу масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сенаторлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

# Демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий кафолати

**Солижон МУМИНОВ, Наманган вилояти кардиология маркази бош шифокори:**

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёналари арафасида ўтган Сенат ялпи мажлиси ўзига хос рамзий маънога эга, десам, муболаға бўлмайди. Зеро, ушбу тадбир истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ишларни, уларнинг натижаларини таҳлил қилишга, бу борада истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни янада аниқ белгилаб олишга ўзига хос туртки ҳам бўлди. Унда кўриб чиқилган масалалар, ўз навбатида, мамлакатимизда бугунги кунда кечаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга, Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, ушбу масалаларнинг ҳар бири мазмун-моҳиятига кўра, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар таҳлили асосида муҳокама қилинди.

**Абдумавлон МАХМУДОВ, Сардоба туманидаги “Барака” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида долзарб аҳамиятга эга. Буни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йилдаги ҳисоботи мисолида ҳам кўриш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳалигача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар банк тизими ишончлилиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби энг муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадларига самарали хизмат қилаётганлигини қайд этиш лозим. Натижада 2012 йил давомида банкларнинг умумий капитали 24,2 фоизга кўпайган ҳамда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ёки белгиланган халқаро кўрсаткичдан 3 баробардан зиёдни ташкил қилган. Сирдарё вилоятидаги банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Вилоятимизда тижорат банкларининг 32 та филиали бўлиб, 2012 йил давомида ушбу банклар томонидан соҳа субъектларига 135,9 млрд. сўмлик кредитлар, жумладан, 34,8 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига вилоятимизда 11,5 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Муҳими, банклар фаолиятида қишлоқ жойларда аҳоли турмуш тарзини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қувонарлидир.

**Алишер БУРХАНОВ, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити шакллантирилди ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар билан таъминланди. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилинган масалалар бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун ҳам шу мақсадларни кўзлайди. Унда бир нечта қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни янги норма билан тўлдирилди. Яъни қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилмоқда. Бошқача айтганда, тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

**Сарсенбай СЕЙТНАЗАРОВ, Тахтакўпир туманидаги “Тайимбет” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган ҳар бир масала бугунги ва эртанги кунимизни янада фаровон қилиш, одамларимизнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиб борилаётганлигини айтиш зарур. Сенат ялпи мажлисида Концепцияда илгари сурилган ғояларни ўзида акс эттирган қонунлар маъқулланди. Олдимизда турган энг муҳим вазифа шундаки, аввало, биз ушбу қонунларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, уларнинг механизмларини жойларда тушунтириш бўйича фаол иш олиб боришимиз талаб қилинади. Қолаверса, қонунлар ижроси устидан жойларда парламент ва сенатор назоратини ўрнатишимиз ҳам ўта долзарбдир. Зеро, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ўтган 22 йил давомида эришилган ютуқларимизнинг бардавомлигини таъминлаш орқали юртимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# Тинчлик ва тотувлик — бебаҳо неъмат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўров давомида аён бўлдики, бундан йигирма икки йил олдин ёш, мустақил Ўзбекистон давлати томонидан танланган стратегия ўзининг нақадар тўғри эканлигини исботламоқда. Бу нуқтаи назарни аҳолининг катта қисми тўла қўллаб-қувватлайди. Мамлакатда олиб борилаётган миллий сиёсат давлат қурилишининг устувор йўналишларидан бири сифатида пухта мазмун-моҳият ва ёрқин истиқболга эга бўлиб, унда Ватанимизда яшаётган халқларнинг ўзига хос жиҳатлари тўлиқ инобатга олинган.

Мониторинг якунлари асосида миллати, дини, ижтимоий мақомидан қатъи назар, ҳамюртларимиз Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади. Миллий ва фуқаровий ўзига хос жиҳатлар ҳамда хилма-хиллик ёрқин намоён бўлган мустаҳкам фуқаролик бирлиги Ўзбекистоннинг бугунги жамиятида ўз ифодасини топган. Кўп йиллар давомида мунтазам ўтказиб келинаётган сўровлар шуни кўрсатадики, бундай фазилатлар, айниқса, ёшлар ва фаол меҳнат ёшидаги фуқаролар ўртасида чуқур қарор топган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг истиқболда янада тараққий топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, сўров натижаларига кўра, халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолайди. Бу борадаги кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам эътиборга молик. 2013 йилда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни мамлакат аҳолисининг 96,5 фоизи эътироф этди. Сўровда аниқландики, фуқаролар, хусусан, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламининг ижтимоий муҳофазаси, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид чора-тадбирлар юқори самара бериб, юртдошларимиздаги кўтаринки ижтимоий кайфиятни янада ошираяпти.

Маълумки, давлат тили мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, одамларнинг маънавий ва сиёсий бирлигини таъминлашда муҳим ижтимоий ва социал-психологик аҳамиятга эга. Бинобарин, давлат тилини билиш аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Таҳлил натижаларига кўра, давлат тилини билмасликка оид муаммо йилдан-йилга камайиб, Ўзбекистон фуқаролари яшаш жойи, миллатидан қатъи назар, давлат тилини у ёки бу даражада билади. Сўров давомида уларнинг катта қисми ўзбек тилини етарли даражада билишини кўрсатди. Айтиш мумкинки, мамлакат мустақиллигининг 22 йили давомида фуқаролар ўртасида давлат тилини билиш айни зарурат эканлиги тўғрисидаги қараш шаклланган.

Кўп йиллик сўровларнинг кўрсатишича, мамлакат аҳолиси ўртасида миллатлараро муносабатларга оид вазиятга ижобий баҳо янада мустаҳкамланиб бораяпти.

Жорий йилда аҳолининг қарийб 92 фоизи Ўзбекистонда "ўзини аъло даражада ҳис этаётгани", "жуда яхши" эканлигини кўрсатган. Бу эса истиқлол йилларида ўтказилган ижтимоий сўровлар давомидаги энг яхши натижалардан биридир. Аҳоли буни мамлакатимизда оилалар ижтимоий аҳволи яхшиланиб бораётгани, уларнинг фаровонлиги ўсаётгани, бу ерда яшаётган барча миллатлар ҳуқуқ ҳамда эркинликлари таъминланаётгани билан боғлайди. Улар ўз жавобларида миллатлараро ҳамжиҳатлик ўсиб бораётганини бот-бот таъкидлаганлар.

Тадқиқотда аён бўлишича, истиқлол даврида жамиятимизда барқарорлик ва аҳиллик ҳолати ўзининг ижобий жиҳатлари билан яққол ажралиб турибди. Масалан, мамлакат аҳолисининг катта қисми ўзларининг миллий келиб чиқиши билан боғлиқ тарзда қандайдир қийинчилик ёки ноқулай вазиятга умуман тушмаган. Ижтимоий сўров ҳамюртларимиз барқарорлик келажакда ҳам сақланиб қолишига комил ишонч билан қарашини кўрсатди. Бу борадаги саволга респондентларнинг 93,1 фоизи ижобий жавоб бергани бунинг исботидир. Фуқаролар (92,8 фоизи)нинг фикрича, буларнинг барчаси Президентимиз томонидан илмий асосланган ва узоқни ўйлаб амалга оширилаётган миллий, ички ва ташқи сиёсат шарофатидандир.

Сўровга кўра, аҳоли Ўзбекистондаги ички сиёсий вазиятга юқори барқарор баҳо берган. Фуқароларнинг қайд этишича, "республикада ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланиши кузатилиб, жамиятда тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик сақланмоқда", "халқнинг кайфияти кўтаринки ва бардам, келажакка бўлган ишонч юқори", диний экстремизм билан боғлиқ таҳдидлар сақланиб қолаётган бўлса-да, улар бўйича хавотирли кайфият камайиб бораяпти.

Умуман олганда, ижтимоий сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда мустақилликнинг 22 йили давомида эришилган тинчлик-барқарорлик, миллатлараро, динлараро ва фуқаролараро аҳиллик юксак эътирофга лойиқ. Буларнинг барчасига, аҳоли фикрича, Президентимиз томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали миллий, ички ва ташқи сиёсат мустаҳкам кафолат бўлмоқда.

Айни чоғда сўров асосида истиқболда ҳам Ўзбекистонда давлат ва фуқаролар тенглиги тенденцияси, аҳоли томонидан давлатнинг миллий стратегиясини қўллаб-қувватлаш, бу ерда яшаётган барча миллатларнинг ўзига хос жиҳатлари қамраб олинган ҳолда, миллатлараро бирликнинг янада мустаҳкамланиши, Конституцияда белгилаб берилган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тамойилларини янада самарали рўёбга чиқариш мустаҳкамланиши, кучайишини яққол намоён этди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида тайёрланди.**

Реклама ўрнида




## «O'ZEl» электровозлари:

# Замонавий, тежамкор ва экологик тоза

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, ушбу ҳужжатда Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иштирокида ўн битта "O'ZEL" туркумидаги янги юк электровозини харид қилиш, келишувга кўра эса, электровозларнинг дастлабки туркуми шу йилнинг октябрь ойида, қолган қисми 2014 йилда етказиб берилиши керак эди. Аммо Ўзбекистон темир йўлчиларининг астойдил саъй-ҳаракати туфайли ХХРнинг Далян электровозсозлик заводи мутахассислари билан юк электровозларини лойиҳалаш ва тайёрлаш муддатларини қисқартиришга муваффақ бўлинди: "O'ZEL" туркумидаги 3 та юк электровози Мустақиллик байрами арафасида қабул қилинган бўлса, қолган қисми ҳам йил охиригача келтирилиши мўлжалланмоқда.

Далян электровозсозлик заводи бош директорининг экспорт ва импорт бўйича ўринбосари Чжу Чжиюннинг таъкидлашича, янги электровозлар халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Сабаби, уларни қуришда "CNTIC-CNADLR" консорциуми (ХХР) "Toshiba" компанияси ишлаб чиқарган локомотивсозликдаги энг замонавий ечимлардан унумли фойдаланилди.

— "O'ZEL" туркумидаги электровозларнинг қуввати жуда юқори бўлиб, у 6 минг кВтга тенг, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК бош муҳандиси — бош менежери Ҳусниддин Ҳосилов. — Бундан ташқари, иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлиб, электр энергиясини 8 фоизгача иқтисод қилиш, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишни кескин камайтириш, экологик шароитни яхшилиш, энг асосийси, турдошларига нисбатан деярли 2 баробар кўп юк ташиш имконини беради.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, Ўзбекистон локомотив саройини замонавий электровозлар билан таъминлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилиб, яқин икки йил ичида унинг 70 фоизи янгиланиши кутилмоқда. Бу каби ўзгаришлар поездлардан фойдаланиш даражасини ошириш, юкларни манзилга етказиш вақтини қисқартириш, ёнилғи-мойлаш материалларига сарфланадиган харажатларни камайтиришга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Эълон

**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

савдолар залида 2013 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 майдаги 14-1313/2829-сонли ва ушбу суднинг 2013 йил 23 майдаги 14-1316/4337-сонли ижро варақаларига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилмоқда:

— Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 116-уйда жойлашган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 381 032 000 сўм.***

— Самарқанд шаҳри, Р. Узоқова кўчаси, 8-уйда жойлашган савдо дўкони ва омборхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 373 845 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар Амир Темур бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Телефон: (8-366) 239-65-88.**

*Хизматлар лицензияланган.* ***Лицензия: 0038.***

1423A/477

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Гулчеҳра Ҳайитовна Сатторовага падари бузруквори

**ҲАЙИТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси банк тизимининг меҳнат фахрийси

**Ҳикматулла ЮНУСОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5